

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАХМОНОВ РАХМАТУЛЛО УМАРАЛИЕВИЧ

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШДА ЭГАТГА
БЕРИЛАДИГАН СУВ САРФИ МИҚДОРНИ ҶЛЧАШ
МОСЛАМАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Рахмонов Рахматулло Умаралиевич

Ирригация эрозиясига қарши курашда эгатларда сув сарфи микдорини
ўлчаш мосламаси самарадорлигини аниқлаш..... 3

Рахмонов Рахматулло Умаралиевич

Определение эффективности приспособления замера расхода воды в
бороздах с целью борьбы с ирригационной эрозией 21

Rakhmonov Rakhmatullo Umaralievich

Identifying the efficiency of application of the device for measuring water
consumption in furrows with the aim to combat irrigation erosion..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАХМОНОВ РАХМАТУЛЛО УМАРАЛИЕВИЧ

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШДА ЭГАТГА
БЕРИЛАДИГАН СУВ САРФИ МИҚДОРНИ ИЎЛЧАШ
МОСЛАМАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Qx224 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб–саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот–таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзажонов Қирғизбой Мирзажонович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Хамидов Мухаммадхон

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Норкулов Усмон

қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр унверситетининг Андижон филиали

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37; e–mail: Piim@agro.uz.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ботаника м.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, дунё бўйича ирригация эрозияси туфайли 1,100 млн. гектар ёки 56 фоиз майдон, жумладан Австралияда 81%, Марказий Америкада 74%, Шимолий Америкада 63%, Жанубий Америкада 50,6%, Европада 52,3%, Осиёда 59,0%, Африкада эса 46,0% экин майдонлари зарар кўрмоқда¹. Шунингдек, дунё бўйича ирригация эрозияси туфайли қишлоқ хўжалигида ҳар йили 75 млрд. тонна тупроқнинг устки унумдор қатлами йўқотилмоқда². Ирригация эрозияси туфайли ўсимликнинг озикланиш тартиби ва тупроқнинг мелиоратив ҳолати, агрохимёвий, агрофизик хоссалари ёмонлашиши, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили ва маҳсулот сифати пасайишига сабаб бўлмоқда.

Дунё пахтачилигида, тупроқни ирригация эрозиясидан сақлашда ёмғирлатиб, томчилатиб, эгилувчан қувурлар орқали суғориш натижасида суғориш сувларини 50–60 фоизга тежалиши, суғориш сувидан самарали фойдаланиш ҳамда тупроқнинг унумдор қатламини сақлаб қолиш эвазига пахта ҳосили гектарига 8–10 центнерга ошиши аниқланган. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, сув танқислиги ва ирригация эрозияси жараёнида ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашиб бораётганлиги шароитида сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш бўйича изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда кейинги йилларда, пахтачиликда тупроқ унумдорлигини ошириш, эрозия жараёнларини камайтириш ва суғориш сувларини тежовчи технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ғўзани эгат орқали суғоришда, айниқса рельефи нотекис ерларда ирригация эрозиясини кучайиши, тупроқнинг унумдор қатламининг ювилишини камайтириш борасидаги тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, республикамизда ирригация эрозиясига учраган ерларда, ғўзани эгатлаб суғоришда сувни мақбул меъёрда бериш орқали суғориш сувларини тежаш, эрозион жараёнларни камайтириш, атроф муҳитни тоза сақлаш, тупроқнинг унумдор қатламини сақлаб қолиш бўйича илмий–тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3281–сон «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон

¹ Ҳақбердиев О.Э., Содикова Г.С. Ўзбекистоннинг ер-сув ресурслари: муаммо ва ечимлари. –Тошкент, 2017 йил. 21-бет.

² <http://anrcatalog.ucdavis.edu>

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий–ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ирригация эрозиясининг келиб чиқиши ва унинг салбий оқибатлари, тупроқ унумдорлигини сақлаш бўйича бир қатор маҳаллий ва чет эл олимлари В.Б.Гуссак, Х.Махсудов, Қ.Мирзажонов, Ш.Нурматов, Х.Хамдамов, К.Мўминов, С.Елюбаев, Л.Ғофурова, М.Н.Заславский Д.А.Арманд, М.С.Кузнецов, Х.Х.Беннет Г.П.Глазунов, Zings, M.Wolter ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти илмий–тадқиқот ишлари режасининг ҚХА–7–008 «Республиканинг турли тупроқ иқлим шароитларида ғўзага манба тежовчи агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий қилиш» (2012–2014 йй.) ва ҚХА–7–079–2015 «Ирригация эрозиясига қарши ишлатиладиган суғориш мосламалари ва эгат олиш органларини яратишни амалий асослари» (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларда ғўзани суғоришда эгатларда сувни тежаш, эрозияга қарши курашда суғориш мосламаси самарадорлигини аниқлаш, сув сарфи, эрозион жараёнларни юмшатиш, тупроқ унумдорлигини сақлаб, мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ирригация эрозиясига учраган ерларнинг қиялик даражасини аниқлаш;
аниқланган қияликларда суғориш сувини тежаш мақсадида, эрозия жараёнларини камайтиришга ҳамда суғориш мосламаси орқали ғўзани эгатлаб суғоришда мақбул меъёрини аниқлаш;

ғўзани суғориш учун бериладиган сув миқдорларини (ҳар суғоришда, берилаётган сув, оқова суви, тупроққа сингиган сув) ўрганиш;

эрозион жараёнларни ғўзанинг ўсиб–ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларда ғўзани суғориш мосламасини қўллаш орқали суғоришнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилоятининг қадимдан суғорилиб келинган типик бўз тупроқлари, эгатларда сув сарфи миқдорини ўлчаш

мосламаси, ғўзанинг ўрта толали «Андижон 37» ва «Наманган 77» навлари олинган.

Тадқиқот предмети қадимдан суғорилиб келинган, ирригация эрозиясига учрайдиган типик бўз тупроқлар шароитида сув сарфи ҳамда тупроқнинг эрозион жараёнларини камайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда суғориш мосламасидан фойдаланиш самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалари асосида олиб борилди. Дала тажрибаларидан олинган маълумотларга математик–статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида (Б.А.Доспехов) услубий қўлланмалари асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларда, ғўзани суғоришда ҳар–бир эгатга мақбул сувни ўлчаб берадиган мосламанинг назарий ҳолати ишлаб чиқилган ҳамда қадимдан суғориб келинган, ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларда, ғўзани суғоришда сув сарфини тежаш, ҳар бир эгатга мақбул сув сарфи миқдорини ўлчайдиган мосламанинг самарадорлиги аниқланган;

ғўзанинг сувга бўлган талабини аниқлашда анъанавий усул билан бирга рефрактометрда ғўза барги хужайра шираси концентрациясини аниқлаш усули орқали сувга бўлган физиологик талаби аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган тупроқларда, ғўзани суғоришда анъанавий суғориш усулига нисбатан ресурстежамкор суғориш усули, яъни суғориш мосламаси орқали суғоришда, тупроқнинг унумдор катламининг сақланиши ҳамда сув сарфининг камайиши аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган тупроқларда ғўза суғориш мосламаси орқали суғорилганда атроф муҳитнинг зарарли агрохимикатлар билан ифлосланишининг камайишига эришилиб, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг қадимдан суғориб келинган, ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларида, ғўзани суғориш мосламаси орқали суғорилганда мавсумий сув миқдори 800 м³/га гача тежалиши исботланган;

ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларда, ғўзани суғориш мосламаси орқали суғорилганда тупроқнинг ювилишини 50 фоизгача камайишига эришилган;

ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларда, эрозия жараёнларини камайтириб, ғўзани суғоришда тешик диаметри 15 мм бўлган суғориш мосламасида суғорилганда, ғўзанинг сув истеъмоли яхшиланиб, ўсиши ва ривожланиши учун қулай намлик ва озиқани ўзлаштиришга мақбул муҳит яратилиб, назоратга нисбатан ўртача 3,6 ц/га юқори ҳосил олинган, соф

фойда 700 минг 309 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 38,0 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория услубларидан фойдаланган ҳолда, вариацион–статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқланиб баҳолангани ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга, янги агротехнологияни қўллаш соҳасидаги илмий ишларда жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар натижаларнинг ишончилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти типик бўз тупроқлар шароитида, ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларда, ғўзани суғоришда янги суғориш мосламасидан фойдаланишнинг самарадорлиги аниқланиб, суғориш сувини иқтисод қилиш ҳамда эрозион жараёнларнинг олдини олиш ҳисобига ғўзанинг ўсиши, ривожланиши яхшиланиб, пировардида юқори ва сифатли пахта ҳосили олишнинг назарий ва амалий жиҳатлари илмий асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ирригация эрозиясига учрайдиган, типик бўз тупроқлар шароитида суғориш мосламаси синовдан ўтказилган, ғўзани мосламада суғориш усули эгатга бир хил меъёрда сув берилишини таъминлаган ҳолда, суғориш сувини беҳуда сарф бўлиши ва тупроқнинг унумдор қисмининг ювилишини олди олиниши, пахта ҳосилини кўпайиши ҳамда суғоришда меҳнат сарфининг камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ирригация эрозиясига қарши курашда эгатларда сув сарфи миқдорини ўлчаш мосламаси самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

«Эгатларда сув сарфи миқдорини ўлчаш мосламаси» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (28.02.2017. FAP 01176). Мазкур ишланма ирригация эрозиясига учраган майдонларда эрозион жараёнларни камайтириш, суғориш сувидан самарали фойдаланиш ва ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ишланма сифатида хизмат қилган;

ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларда суғориш сувидан самарали фойдаланишда эгатларда сув сарфи миқдорини ўлчаш мосламаси Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Абдували Мухриддин Агро» фермер хўжалигининг 10 гектар пахта майдонида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 21 февралдаги 02/20–556–сон маълумотномаси). Мазкур суғориш мосламаси қўлланилиб ғўза суғорилганда анъанавий суғориш усулига нисбатан гектаридан 800 м³ гача сув тежалишига эришилган;

нишаблиги турлича, айниқса рельефи нотекис бўлган ерларда ғўзани эгатлаб суғоришда, эгатларда сув сарфи миқдорини ўлчаш мосламаси Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Абдували Мухриддин Агро» фермер хўжалигининг 10 гектар пахта майдонида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 21 февралдаги 02/20–556–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжалигида гектаридан кўшимча 4–5 центнер пахта ҳосили олинган ва рентабеллик даражаси 17–20 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар институтнинг Илмий ва Услугий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий–амалий анжуманларда 5 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та монография чоп этилиб, 1 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ирригация эрозиясига қарши кураш бўйича тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида ирригация эрозиясига учраган майдонларда ғўзани суғориш усулларини унинг ҳосилига таъсири тўғрисидаги мавзулар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, ирригация эрозиясининг келиб чиқиши, унинг тупроқ унумдорлигига таъсири ва унга қарши курашда эгатлаб суғориш усулини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга

суғориш сувини иқтисод қилиш, тупроқнинг унумдорлигини сақлаш, тупроқ ва озиқа элементларини ювилишини олдини олиш мақсадида, эгатлаб суғоришда бериладиган сув миқдори ва меъёрларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари баён этилган.

Мавзу бўйича олиб борилган изланишлар таҳлилининг сўнги саҳифасида Тошкент вилоятининг қадимдан суғориб келинган, ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларда, ирригация эрозиясини олдини олишда ҳар бир эгатга сувни бир хил меъёрда ўлчаб берадиган ресурстежамкор суғориш усулини қўллаб, тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий, микробиологик хоссалари ва мелиоратив ҳолатларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаганлиги учун ушбу йўналишда тадқиқотларни ўтказиш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш услублари ва шароити» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ–иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Тадқиқотлар 2011–2014 йилларда тасдиқланган дастур асосида Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба хўжалигида, 1,5⁰ қияликда, 2012 йилда Тошкент вилояти, Янгийўл тумани «Бувинисо бахт» фермер хўжалигида 2,5⁰ қияликда ҳамда 2013 йилда, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Кулахмат ота» фермер хўжалигида, 3,5⁰ қияликларида типик бўз, механик таркиби бўйича оғир кумоқли, ирригация эрозиясига учраган, шўрланмаган, сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда олиб борилгани диссертация матнида баён этилган.

Иқлим шароити бўйича мазкур минтақа чўл қисмида жойлашиб, ғўза экиладиган минтақанинг шимолий–шарқ қисми ҳисобланади. Қиши анча совуқ бўлиб, баҳорда ҳаво ҳарорати тезда кўтарилиб, лекин баҳорги совуқлар тез–тез қайтарилиб, қишлоқ хўжалик экинларига муайян зарар етказди. Ёзи очиқ, деярли ёғингарчиликсиз, юқори даражали иссиқ, июль ва август ойларида 40–43 °С гача кўтарилади. Кузи илиқ, давомий бўлиб, биринчи совуқлар одатда 20 октябрда тушиши кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотлар ўтказилган объектнинг иқлим шароити «Оққовоқ» метеостанцияси кўрсаткичлари билан белгиланганлиги, тадқиқотлар ўтказилган барча йилларда ёз ва куз ойларида ғўзанинг мақбул ўсиши ва ривожланиши ҳамда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш учун қулай ҳаво ҳарорати кузатилганлиги баён этилган.

Тупроқнинг ювилиши, уни келтириб чиқарадиган омилларни формулалар орқали аниқланган.

Тадқиқотлар олиб боришда қ.х.ф.д., профессор М.С.Кузнецов, қ.х.ф.д., академик Қ.Мирзажоновлар томонидан ишлаб чиқилган илмий тавсиялар орқали тупроқни эрозия жараёнларини олдини олишда майдоннинг қиялик даражаси, эгат узунлиги ва эгатдаги сувни тезлиги, меъёрлари бўйича олиб борилган назарий ҳисоблар келтирилиб, ушбу маълумотлар асосида, т.ф.д., профессор А.М.Арифжонов, қ.х.ф.д., академик Қ.М.Мирзажонов ва тадқиқотчи Р.У.Рахмоновлар томонидан, мосламадан чиқаётган сув сарфини

баҳолашда гидравликада кенг фойдаланилган оқим ҳаракати қонуниятларига асосланган, сувни тешиқдан оқиб чиқиш назарияси бўйича ҳисобланган.

Тешиқлардан чиқаётган сув сарфини аниқлашнинг умумий формуласи қуйидагича эканлиги кўрсатиб ўтилган.

$$Q = \mu \omega \sqrt{2gH}$$

Бу ерда:

Q – сув сарфи; ω – тешиқ юзаси; g – эркин тушиш тезлиги;

H – тешиқдаги босим; μ – сарф коэффициенти (доира шаклидаги тешиқлар учун, $\mu = 0,61$ қабул қилинган).

Эгатларда узатиладиган сув сарфининг миқдорига боғлиқ равишда ўлчамлар белгиланган.

Изланишларда эрозион жараёнларни олдини олиш мақсадида, экин майдонининг қиялигига қараб, сув сарфи белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, эгатга ўрнатилган мосламанинг тешиги олдидаги босим аниқланади ва натижада юқорида келтирилган формуладан тешиқ диаметри аниқланиши кўрсатиб ўтилган.

$$\omega = \frac{Q}{\mu \sqrt{2gH}};$$

Тенгламадан тешиқ диаметри d – қуйидагича аниқланиши баён қилинган:

$$d = \sqrt{\frac{\omega}{0,785}}$$

Ёўзани суғоришда эгатларда сув тақсимлаш мосламалари яратилиб, дала шароитида тажрибалар олиб борилган.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида ўтказилиб, тупроқ таркибидаги умумий гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг ҳаракатчан шакллари Гранвалд–Ляжу, В.П.Мачигин усулида, азот, фосфор, калийнинг ялпи миқдорлари И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко усулларида, тупроқнинг механик таркиби М.П.Братчевнинг гексаметафосфат натрий билан ишлов берилиб, пипетка усулида аниқланган. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги цилиндр усулида, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги металл ҳалқа усулида, тупроқнинг дала нам сиғими 3×3 м бўлган майдончаларга сув тўлдириш усулида, суғориш олди тупроқ намлиги С.Н.Рыжовнинг термостат–тарози усули билан бирга рефрактометр ўлчов асбоби ёрдамида аниқланган. Ёўзани суғоришда сув сарфи янги суғориш мосламаси, оқова миқдори учбурчакли 90° га тенг бўлган сув ўлчагичи ёрдамида аниқланган. Олинган натижаларнинг математик–статистик таҳлилида Б.А.Доспехов усулидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Ирригация эрозиясига қарши курашда суғориш мосламаларининг ёўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроқларининг агрофизикавий, агрохимёвий ҳолати ва ёўзани суғоришда суғориш мосламаларининг сув сарфи, эрозион жараёнлар, ёўзаниннг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган.

Лаборатория таҳлилларида аниқланган маълумотларга кўра, ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба хўжалиги далаларининг ирригация эрозиясига учраган, қадимдан суғориб келинган типик бўз тупроқларининг агрокимёвий хоссалари қуйидагича: гумус ҳайдов 0–30 см қатламида 0,928, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 0,774 фоизга, умумий азот қатламларда тегишлича 0,074; 0,059; умумий фосфор 0,098; 0,085 фоизга тенг. Нитратли азот ҳайдов 0–30 см қатламида 9,36, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 9,05, ҳаракатчан фосфор 30,32, 26,76; алмашинувчи калий 165; 128 мг/кг ни ташкил этиши кўрсатилган.

Янгийўл тумани «Бувинисо бахт» фермер хўжалиги қадимдан суғориб келинган типик бўз тупроқларида, гумус ҳайдов 0–30 см қатламида 0,922, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 0,773 фоизни, умумий азот қатламларда тегишлича 0,073; 0,058; умумий фосфор 0,097; 0,087 фоизга тенглиги, нитратли азот ҳайдов 0–30 см қатламида 9,35, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 9,07, ҳаракатчан фосфор 30,33; 26,77; алмашинувчи калий 164; 127 мг/кг ни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Чиноз туманидаги «Кулахмат ота» фермер хўжалиги қадимдан суғориб келинган типик бўз тупроқларида, гумус ҳайдов 0–30 см қатламида 0,633, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 0,548 фоизни, умумий азот қатламларда тегишлича 0,057; 0,043; умумий фосфор 0,106; 0,100 фоизга тенг бўлиб, нитратли азот ҳайдов 0–30 см қатламида 9,62, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 9,12, ҳаракатчан фосфор 29,62; 25,56; алмашинувчи калий 150; 120 мг/кг га тенглиги баён қилинган.

Тажриба даласи гумус, азот ва калий билан кам, фосфор билан эса ўрта даражада таъминланган бўлиб юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда азот ва калий билан юқори ва фосфор билан эса ўрта меъёрларда минерал ўғитлар қўллаш кераклиги ҳулоса қилинган.

Тупроқнинг ҳажм массаси бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба хўжалиги далаларининг ирригация эрозиясига учраган қадимдан суғориб келинган типик бўз тупроқларининг ҳайдов 0–30 см қатламида 1,26 г/см³, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 1,32 г/см³ ни ташкил этган ҳолда, Янгийўл тумани «Бувинисо бахт» фермер хўжалиги тупроқларининг ҳайдов 0–30 см қатламида 1,29 г/см³, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 1,37 г/см³ ни, Чиноз туманидаги «Кулахмат ота» фермер хўжалиги тупроқларининг ҳайдов 0–30 см қатламида 1,28 г/см³, ҳайдов ости 30–50 см қатламида 1,37 г/см³ ни ташкил этган ҳолда, эрозион жараёнлар кечиши туфайли тупроқнинг унумдор қатлами ювилиши натижасида тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламида ҳажм массаси мақбул кўрсаткичдан бироз юқорироқ бўлганлиги изоҳланган.

Тажриба даласида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба хўжалиги далаларининг ирригация эрозиясига учраган қадимдан суғориб келинган типик бўз тупроқларида ўрганилганда амал даври бошида 6 соат давомида ўртача 183,3 м³/га сув ўтган бўлса, амал даври охирига келиб анъанавий усулда суғорилган вариантларга нисбатан суғориш мосламаси тешик диаметри 15 мм да суғорилган вариантда 1 соатда ўртача 7

м³/га кўпроқ сув ўтганлиги, Янгийўл тумани «Бувинисо бахт» фермер хўжалиги тупроқларида ўрганилганда эса амал даври бошида 6 соат давомида ўртача 198,2 м³/га сув ўтган бўлса, амал даври охирига келиб анъанавий усулда суғорилган вариантларга нисбатан суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 ммда суғорилган вариантда 1 соатда ўртача 8,5 м³/га кўпроқ сув ўтганлиги аниқланган.

Чиноз туманидаги «Кулахмат ота» фермер хўжалиги тупроқларида ўрганилганда амал даври бошида 6 соат давомида ўртача 198,2 м³/га сув ўтган бўлса, амал даври охирига келиб анъанавий усулда суғорилган вариантларга нисбатан суғориш мосламасининг тешик диаметри 15 ммда суғорилган вариантда 1 соатда ўртача 8,5 м³/га кўпроқ сув ўтганлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда, ғўзани суғориш муддатини аниқлашда ЧДНС ва рефрактометрнинг ўзаро боғлиқлиги» бўлимида, суғоришда бир гектар ерга сув бериш миқдорини аниқлаш учун анъанавий усулдан фойдаланган ҳолда типик бўз тупроқлар учун мақбул режим ЧДНСга нисбатан 65–75–65 фоиз бўлиши олдинги йиллари аниқланганлиги учун шу режим танлаб олиниб қуйидаги натижалар олинган ва бу маълумотлар 1–жадвалда келтирилган.

1–жадвал


Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда ғўзани суғориш миқдори, муддатини аниқлашда ЧДНС ва рефрактометрнинг ўзаро боғлиқлиги

Вариантлар	Гуллашгача	Гуллаш ҳосил тўплаш	Пишиш
Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан, режада 65–75–65 %			
Кузатувлар давомида	Мавсум даврида ўртача		
	66	74	67
	Рефрактометир кўрсаткичлари		
Анъанавий суғориш усули	12,5	16,5	12,4
Суғориш мосламаси диаметри, 10 мм	11,8	15,5	12,0
Суғориш мосламаси диаметри, 15 мм	12,1	16,0	12,2
Суғориш мосламаси диаметри, 20 мм	12,3	16,4	12,3

Ғўзанинг суғориш муддатини аниқлашда ЧДНС режада 65–75–65 фоиз бўлганда рефрактометр билан ғўза баргининг ҳужайра шира концентрацияси (ХШК) ўртасидаги корреляцион боғлиқлик яқин эканлиги ўз аксини топди ва шу маълумотлар асосида кейинги йилларда ғўзани сувга бўлган талабини тезкор ва осон бўлган рефрактометр усулида, ғўза баргининг ХШК орқали аниқлаб суғорилганлиги баён қилинган.

Диссертациянинг «Тажриба даласидаги ғўзани суғориш учун сарфланган мавсумий сув миқдори» бўлимида ғўзани анъанавий суғориш усули ҳамда суғориш мосламалари тешиги диаметри 10; 15 ва 20 мм бўлган

мосламаларда, ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба хўжалиги далаларида олиб борилган тажрибаларда (1–расм), ғўза 5 марта суғорилиб, мавсумий сув меъёри (2011 йилда) 1– вариантда (анъанавий суғориш усули) 5667,0 м³/га ни ташкил этиб, тупроққа сингиган сув 4881 м³/га, оқова суви 786 м³/га тенг бўлган бўлса, 2 – вариант суғориш мосламаси тешиги диаметри 10 мм да ҳар–бир эгатга сув тақсимланганда, юқорида баён этилган кўрсаткичларга мос равишда 5082 м³/га; 4661 ва 422 м³/га ва 3–вариант суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм бўлганда 4900; 4420; 480 м³/га, 4 – вариантда суғориш мосламаси тешиги диаметри 20 мм бўлганда мавсумий суғориш меъёри 5115 м³/га, сарф бўлган сув эса 4514,0 м³/га ни, оқова суви 601 м³/га ни ташкил этган ҳолда анъанавий суғориш усулига нисбатан мосламалар билан суғорилганда 584,0; 767 ва 552 м³/га дарё суви иқтисод қилингани олиб борилган кузатувлардан маълум бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.



1 – Расм. Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда, ғўзани суғоришда, суғоришлар сони, мавсумий суғориш меъёрлари (м³/га), (ПСУЕАИТИ Оққовоқ тажриба далаларида 2011–йил).

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани «Бувинисо бахт» фермер хўжалигининг ирригация эрозиясига учраган 2,5⁰ қияликка эга бўлган тупроқларда ҳамда Чиноз тумани «Кулахмат ота» фермер хўжалигининг 3,5⁰ қияликка эга бўлган тупроқларида олиб борилган тажрибаларда, ғўза 5 марта суғорилиб, мавсумий сув меъёри 1– вариантда (анъанавий суғориш усули) 5776,0–6293,0 м³/га ни ташкил этиб, тупроққа сингиган сув (нетто) 4869,0–4737,0 м³/га ни, оқова суви 897,0–1556,0 м³/га тенг бўлган бўлса, 2 – вариант суғориш мосламаси тешиги диаметри 10 мм да ҳар бир эгатга сув тақсимланганда, юқорида баён этилган кўрсаткичларга мос равишда 5175,0–4622,0 м³/га ни; 4674,0–4585,0 м³/га ни ва 501,0–661,0 м³/га ни, 3–вариант суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм бўлганда 5246,0–5273,0; 4585,0–4505,0; 661,0–768,0 м³/га ни, 4 – вариантда суғориш мосламаси тешиги диаметри 20 мм бўлганда мавсумий суғориш меъёри 5394–5831 м³/га ни,

сарф бўлган сув эса 4530,0–4550,0 м³/га ни, оқова суви 688,0–1281,0 м³/га ни ташкил этганлиги баён этилган.

Диссертациянинг «Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда ғўзани суғориш усуллари тупроқ заррачаларининг ювилиш миқдорига таъсири» бўлимида ирригация эрозиясига учраган майдонларни хўжаликлардаги анъанавий суғориш усулига нисбатан суғориш мосламалари билан ғўза суғорилганда тупроқнинг унумдор заррачалари ювилишининг камайиши 2–расмда келтирилган бўлиб, ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба хўжалиги далаларида, ғўза 5 марта суғорилганда суғориш мосламаси диаметри 10 мм бўлганда 10,4 тоннани; 15 мм бўлганда 9,5 тоннани; 20 мм бўлганда эса 6,6 тоннани ташкил этганлиги аниқланган.



2 – Расм. Ирригация эрозиясига учраган майдонларда суғориш усуллари тупроқ заррачаларининг ювилиш миқдорига таъсири, т/га.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани «Бувинисо бахт» фермер хўжалигининг ирригация эрозиясига учраган, 2,5⁰ қияликка эга бўлган тупроқларида ҳамда Чиноз тумани «Кулахмат ота» фермер хўжалигининг 3,5⁰ қияликка эга бўлган тупроқларида олиб борган тажрибаларда, ғўза 5 марта суғорилганда анъанавий суғориш усулига нисбатан, суғориш мосламаси диаметри 10 мм бўлганда 13,4–14,6; 15 мм бўлганда 12,1–13,2; 20 мм бўлганда эса 9,7–10,0 тоннага тупроқнинг унумдор заррачалари кам ювилганлиги келтирилган.

Ирригация эрозиясига учраган майдонларда тупроқ унумдорлигининг ювилиб кетишини олдини олиш учун экинларни суғоришда ҳар бир эгатга бир хил меъёрда сувни тақсимлаш, бунинг учун суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм ли бўлган мослама билан суғоришни амалга оширилганда қияликларга мос ҳолда 9,5; 12,1 ва 13,2 т/га тупроқнинг унумдор қисми

сақланиб қолганлиги, бу эса ўз навбатида ғўзанинг ўсиб ривожланишига мақбул муҳит яратганлиги қайд этиб ўтилган.

Олиб борилган тажриба маълумотларига асосан, ирригация эрозиясига учраган тупроқларда, тупроқнинг унумдор қатламининг ювилиб кетишига эгатдаги сувнинг тезлиги ҳамда миқдори жуда аҳамиятли эканлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда суғориш усуллари ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири» бўлимида ғўзанинг ўсиб ривожланиши кўпгина омилларга, атроф–муҳит, ҳарорат, тупроқ намлиги, унинг агрохимёвий, агрофизикавий, микробиологик хусусиятларига ҳамда эрозияланиш даражаси ва бошқаларга боғлиқлиги айтиб ўтилган. Олиб борилган тажрибалар давомида ирригация эрозиясига учраган майдонларда, хўжаликларда анъанавий суғориш усули ва суғориш мосламаларидан фойдаланилиб ғўзанинг ўсиб ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган. ПСУЕАИТИнинг Оққовоқ тажриба хўжалиги далаларида 1,5⁰ қияликда олиб борилган тажриба натижалари 2–жадвалда келтирилган бўлиб, анъанавий суғориш усулига нисбатан суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм да суғорилганда ғўзанинг ўсиши ривожланишига мақбул шароит яратилиб кўшимча 3,2 ц/га пахта ҳосили етиштирилганлиги аниқланган.

2– жадвал

Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига суғориш усулининг таъсири (ПСУЕАИТИ, 2011 йил).

Вариантлар, суғориш усули, мослама тешик диаметри	01.06.2011		01.07.2011			01.08.2011				01.09.2011		Пахта ҳосили, ц/га	Кўшимча ҳосил, ц/га
	Бўйи, см	Чинбарг дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи дона	Шона, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи дона	Шона, дона	Кўсак дона	Кўсак сони, дона	Шундан очилгани, дон		
Анъанавий суғориш усули	11,5	4,5	25,1	4,2	4,4	70	10,3	5,3	3,8	7,5	5,0	23,8	–
Суғориш мосламаси диаметри 10 мм	12,4	5,0	28,9	4,9	5,1	70,6	11,6	6,5	4,2	9,3	4,8	24,9	1,1
Суғориш мосламаси диаметри 15 мм	12,6	5,2	30,0	5,0	5,5	82,4	12,5	7,2	4,5	10,7	6,0	27,0	3,2
Суғориш мосламаси диаметри 20 мм	11,7	4,8	26,7	4,8	4,9	78,0	12,2	6,8	4,0	8,2	5,5	25,8	2,0
НСР₀₅ =												0,19 ц/га	
НСР₀₅ =												0,76 %	

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани «Бувинисо бахт» фермер хўжалигининг ирригация эрозиясига учраган 2,5⁰ қияликка эга бўлган тупроқларида ва Чиноз тумани «Кулахмат ота» фермер хўжалигининг 3,5⁰ қияликка эга бўлган тупроқларида олиб борилган тажрибаларда, анъанавий суғориш усулига нисбатан суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм да суғорилганда ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига мақбул шароит яратилиб қўшимча 4,6–4,2 ц/га гача пахта ҳосили етиштирилганлиги баён этилган.

Ирригация эрозиясига учраган майдонларда сувдан самарали фойдаланиш, эрозион жараёнларни камайтириб, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм бўлганда яхши самара берганлиги олиб борилган тажрибалардан маълум бўлган.

Диссертациянинг **«Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда ғўзани суғориш усуллариининг пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсири»** бўлимида ирригация эрозиясига учрайдиган тупроқларда ғўзани суғориш мосламаси билан суғорилганда, тупроқ унумдорлиги сақланиши ҳисобига сифатли пахта ҳосили олишга ҳам имкон яратилиши аниқланган бўлиб, энг юқори тола чиқиши суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм бўлганда, 37,5% ни ташкил этиб, минг дона чигит вазни 110 г, нисбий узилиш кучи 26,5 г.к./текс га тенг бўлганлиги, бошқа вариантларга нисбатан ушбу вариантда Андижон–37 навига берилган таснифга яқин маълумотлар олинганлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг **«Дала ва фермер хўжалигида ишлаб чиқариш шароитида олинган натижалар»** деб номланган тўртинчи бобида дала ва фермер хўжалигида ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган тажриба натижалари баён этилган. Ишлаб чиқаришда тажрибалар 2016–2017 йилларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани «Абдували Мухриддин Агро» фермер хўжалигининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида, 3,5⁰ қияликка эга бўлган, ирригация эрозиясига учраган тупроқларда амалга оширилди.

Тажрибада ғўзанинг ўрта толали Наманган–77 нави экилиб, агротехник тадбирлар хўжаликда қабул қилинган агротехника асосида олиб борилгани таъкидланган. Хўжаликда суғориладиган анъанавий усулда мавсумий суғориш меъёри 6499 м³/га сарфланиб, оқовага 2070 м³/га чиқиб кетган ҳолда, эгатлардан чангсимон ва лойқасимон тупроқ заррачалари 36,7 т/га ювилиб кетганлиги, суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм қўлланилиб ғўза суғорилганда мавсумий суғориш меъёри 5600 м³/га сарфланиб, оқовага 1124 м³/га чиқиб кетган ҳолда, эгатлардан чангсимон ва лойқасимон тупроқ заррачалари 20,9 т/га ювилиб кетганлиги олиб борилган кузатув ва таҳлилларда аниқланган.

Ишлаб чиқариш шароитида ғўзанинг ўсиб, ривожланиши устида олиб борилган фенологик кузатувлар келтирилган бўлиб, унда 2016 йил маълумотларига қаралганда август ойига келиб, хўжаликда суғориладиган анъанавий усулда суғорилиб, парваришланганда ғўзанинг бўйи 74,5 см, ҳосил шохлари 9,7 дона, кўсақлар сони 6,6 донани ташкил этгани, суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм қўлланилиб, ғўза суғорилиб,

парваришланганда, 87,1 см, ҳосил шохлари 13,3 дона, кўсаклар сони 9,0 донани ташкил этгани баён этилган. Сентябрь ойига келиб хўжаликда суғориладиган усулда суғорилиб парваришланган ғўзада жами кўсаклар сони 7,8 дона бўлиб, ундан очилгани 5,9 донани ташкил этгани, суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм қўлланилиб ғўза парваришланганда, жами кўсаклар сони 12,4 донани, шундан очилгани 5,6 донани ташкил этган ҳолда, ҳосилдорлиги хўжаликда суғориладиган усулда суғорилиб парваришланганда 30,0 ц/гани ташкил этган бўлса, суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм қўлланилиб ғўза суғорилганда 34,2 ц/га пахта ҳосили етиштирилганлиги баён этилган.

Диссертациянинг «Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда, ғўзани суғоришда янги суғориш мосламасининг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш натижалари келтирилган (3–жадвал).

3–жадвал

Ирригация эрозиясига учраган тупроқларда, ғўзани суғоришда янги суғориш мосламасининг иқтисодий самарадорлиги, (ПСУЕАИТИ) 2011–2013 йиллар ўртачаси

Вариантлар	Мавсумий сув меъёри, м ³ /га	Мавсумий тупроқнинг ювилиши, т/га	Ҳосилдорлик, ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га	Сотишдан тушган умумий даромад, сўм/га	Жихоз харажати, сўм	Ишлаб чиқариш харажатлари, сўм/га	Соф даромад, сўм/га	Рентабеллик, %
Анъанавий суғориш усули	5640,3	29,1	23,5	–	2256000	–	1785090,7	470909,3	26,4
Суғориш мосламаси диаметри 10 мм	5167,8	13,3	24,8	1,3	2380800	58100	1843190,7	479509,3	26,0
Суғориш мосламаси диаметри 15 мм	5000,3	14,6	27,1	3,6	2601600	58100	1843190,7	700309,3	38,0
Суғориш мосламаси диаметри 20 мм	5196,8	18,4	25,7	2,2	2467200	58100	1843190,7	565909,3	30,7

Ғўзани парваришлашда олиб борилган агротехник тадбирлар бир хил бўлиб, анъанавий суғориш усули ҳамда суғориш мосламалари тешиги диаметри 10; 15 ва 10 мм бўлган суғориш мосламаларидан фойдаланилганда, анъанавий усулга нисбатан суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм да суғорилганда суғориш суви 640 м³/га иқтисод қилиниб, тупроқ ювилиши 50 фоизгача камайиши билан бирга ўртача 3,6 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштирилиб, соф даромад 700 минг 309 сўмни, рентабеллик даражаси 38,0 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Ирригация эрозияси ер юзининг суғорма деҳқончилик билан шуғулланадиган ҳамма давлатлар ерларида мавжуд бўлиб, тупроқ унумдорлиги, ҳосил чўғи ва унинг сифатига жиддий зарар етказди. Бундай ерлар Ўзбекистонда 643,2 минг гектарни ташкил этиб, бу асосан Тошкент, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, қисман Фарғона ва Наманган вилоятларида учрайди.

2. Ирригация эрозияси натижасида тупроқнинг энг унумдор, ҳайдов қатлами ювилиб, нафақат бокира тупроқлардаги гумус, азот, фосфор, калий ва бошқа макро ва микро элементлар, шунингдек, экинга берилган минерал ўғитлар ювилиб кетиб, унумдорликни пасайтиради, касаллик, зараркунанда ҳашарот, бегона ўтларга қарши ва дефолиация учун ишлатиладиган заҳарли агрохимикатлар ишлатилиши натижасида, тупроқ таркибида қолган қисми тупроқ билан ювилиб, атроф муҳитни заҳарлаб ифлослантиради.

3. Ўзбекистонда суғорув сув ресурслари чегараланганлиги маълум, шунинг билан биргаликда аҳоли сони кескин ошиб бормоқда. Ҳозиргига нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпроқ ишлаб чиқариш талаб этилмоқда ва буни ҳозирда ҳар бир гектар ердан етиштирилаётган ҳосил ва қўшимча ер ўзлаштириш ҳисобига эришиш мумкин. Қўшимча ерларни ўзлаштириш учун эса сув керак. Бу муаммони ҳал қилиш учун эса сувни иқтисод қилиш талаб этилиб, суғориш усуллари ишлаб чиқиш керак бўлади.

4. Суғорув сувини иқтисод қилиб, эрозион жараёнларни камайтирадиган, чим ёки полиэтелен плёнкалар билан ифлослантирадиган суғориш усулидан кечиб, янги суғориш мосламаларидан фойдаланиш самарали суғориш усули ҳисобланади.

5. Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларда, сифатли ҳосил етиштиришда ғўзани сувга бўлган талабини ўзидан сўраш, яъни рефрактометр орқали барг шира концентрацияси орқали аниқлаш, бунда ғўзани гуллашгача 12%, гуллаш ҳосил тўплашда 16%, пишиш даврида 12 фоизга келганда суғориш мақсадга мувофиқ деб топилди. Суғориш давомида эгатдаги сувнинг оқиш тезлиги 0,15 л/сек оқимни бир хил таъминлаш мақсадга мувофиқ.

6. Ирригация эрозиясига учраган ер ости сувлари чуқур жойлашган, ўрта–оғир қумоқ таркибли, суғориладиган типик бўз тупроқларда, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда, ЧДНСга нисбатан 65–75–65% суғориш олди тупроқ намлигида 5 маротаба, 1–3–1 тизимда, ҳар галги суғориш 890–1230 м³/га, мавсумий суғориш меъёрлари 5000–5270 м³/га, суғориш оралиғи 12–14 кун, суғориш давомийлиги гуллашгача 12–14 соат, гуллаш–ҳосил тўплашда 15–18 соат, пишишда 10–12 соатни ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

7. Янги ихтиро қилинган суғориш мосламаси пластмассадан ясалган бўлиб, енгил бўлганлиги учун уни 30–40 донасини сувчи елкага олиб, эгат бошига тиқиб кетиши мумкин. Бу ўз навбатида:

- а) Сувни гектар ҳисобида 640 м³/га иқтисод қилади;
- б) Тупроқни эрозия жараёнларини 50 фоизга камайтиради;
- в) Анъанавий суғориш усулига нисбатан суғориш мосламаси тешиги диаметри 15 мм бўлганда иқтисодий кўрсаткичлар 229 минг 400 сўм/га ошиб, рентабеллик 38,0 фоизга тенг бўлди;

8. Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқларда эрозион жараёнларни камайтириш, сувдан самарали фойдаланиш, ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ҳамда атроф муҳитни агрохимикатлардан сақлашда, тешиги диаметри 15 мм бўлган суғориш мосламасидан фойдаланиб, эгатдаги сувнинг тезлиги 0,15 л/сек оқимда суғориш, қиялик даражаси 1,5⁰ бўлганда маъдан ўғитлар меъёри N₂₀₀,P₁₄₀K₁₀₀ кг/га; 2,5⁰ ва 3,5⁰ қияликка эга бўлганда N₂₅₀,P₁₇₅K₁₂₅ кг/га меъёрларда ғўзани ўғитлаш, экинни сувга бўлган талабини аниқлашда тезкор усул рефрактометрдан фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

РАХМОНОВ РАХМАТУЛЛО УМАРАЛИЕВИЧ

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ЗАМЕРА
РАСХОДА ВОДЫ В БОРОЗДАХ С ЦЕЛЬЮ БОРЬБЫ С
ИРРИГАЦИОННОЙ ЭРОЗИЕЙ**

06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.4.PhD/Qx224.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (НИИССАВХ).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Мирзажонов Киргизбай Мирзажонович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Хамидов Мухаммадхан**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Норкулов Усмон
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация: **Андижанский филиал Ташкентского государственного аграрного университета**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № __). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

Ш.Ж.Тешаев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждения учёных степеней, к.с.х.н., старший научный сотрудник

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время около 1,1 млн. гектаров земель в мире или 56% подвержены негативному влиянию процессов ирригационной эрозии. Площадь таких земель в Австралии составляет 81%, в Центральной Америке 74%, в Северной Америке 63%, в Южной Америке 50,6%, в Европе 52,3%, в Азии 59,0% и в Африке 46,0%¹. Кроме того, в сельском хозяйстве во всем мире происходят потери около 75 млрд. тонн верхнего, плодородного слоя почв в результате ирригационной эрозии². Ирригационная эрозия приводит к снижению доступных для растений питательных веществ и ухудшению мелиоративного состояния, агрохимических и агрофизических свойств почв, снижению урожайности сельскохозяйственных культур и ухудшению качества продукции.

Для предохранения плодородного слоя почв от ирригационной эрозии при возделывании хлопчатника, в мировом сельском хозяйстве применяют различные методы орошения, такие как капельное орошение, дождевание, орошение с помощью гибких шлангов. Благодаря этому удается достичь экономии 50-60% оросительной воды, более эффективного водопользования, а также сохранения плодородного слоя почв, что в свою очередь ведет к возможности увеличения урожая хлопка на 8-10 ц/га. В этой связи важно проводить научные изыскания по усовершенствованию современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий в условиях ухудшения мелиоративного состояния земель по причине интенсивного ведения сельскохозяйственного производства, нехватки оросительной воды и ирригационной эрозии.

В последние годы в нашей республике особое внимание уделяется повышению плодородия почв, снижению эрозионных процессов, а также разработке и усовершенствованию водосберегающих технологий. При этом особенно актуальными являются исследования по предотвращению вымывания плодородного слоя почв и процессов ирригационной эрозии при бороздковом орошении, особенно на землях с неровностями рельефа. Одной из основных задач, указанных в Стратегии Развития Республики Узбекистан, предусмотренной на период 2017-2021 гг., является «... улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, рациональное и эффективное использование водных ресурсов и достижение на этой основе устойчивого сельскохозяйственного производства». В связи с этим, в нашей стране актуальны научные исследования по экономии оросительной воды путем подачи оптимальных расходов, снижению эрозионных процессов, сохранению окружающей среды, сохранению плодородного слоя почв при бороздковом орошении хлопчатника на почвах, подверженных ирригационной эрозии.

¹Хакбердиев О.Э., Содикова Г.С. Узбекистоннинг ер-сув ресурслари: муаммо ва ечимлари. Тошкент, 2017 йил. 21-бет.

²<http://anrcatalog.ucdavis.edu>

Данная диссертационная работа в значительной степени отвечает практическому выполнению задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан за № УП-3281 «Об объёмах производства сельскохозяйственной продукции под урожай 2018 г.» от 5 сентября 2017 г., и в Постановлении Президента Республики Узбекистан за № ПП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07.02.2017 г., а также других нормативно-правовых документов, принятых в связи с выполнением поставленных задач.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды»,

